



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШНИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Мамедова Гузалхон Козимовна

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази

ORCID: 0009-0000-6490-7232

guzalhonmamedova@gmail.com

Аннотация. Мақола тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишни такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, тадқиқот жараёнида кўплаб хорижлик иқтисодчиларнинг илмий адабиётлари ўрганган. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг банк фаолиятини солиққа тортишга оид тажрибалари таҳлил қилиниб, яқунда хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, банк, йиғим, инвестиция, тадбиркорлик, тартибга солиш.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПОСРЕДСТВОМ НАЛОГОВ

Мамедова Гузалхон Козимовна

Научно-исследовательский центр научных основ и
проблем развития экономики Узбекистана

Аннотация. Статья посвящена совершенствованию регулирования деятельности коммерческих банков посредством налогов, в ходе исследования была изучена научная литература многих зарубежных экономистов. Также был проанализирован опыт зарубежных стран относительно налогообложения банковской деятельности и в конце сформирован вывод.

Ключевые слова: налог, банковское дело, сборы, инвестиции, предпринимательство, регулирование.

IMPROVING REGULATION OF COMMERCIAL BANKS' ACTIVITIES THROUGH TAXES

Mamedova Guzalkhan Kozimovna

The Scientific Research Center of the Scientific Foundations and Problems of the
Development of the Economy of Uzbekistan

Abstract. The article is devoted to the improvement of the regulation of the activities of commercial banks by meaning taxes. In the course of the research, the scientific literature of many foreign economists was studied. Also, the experiences of foreign countries regarding the taxation of banking activities were analyzed and a conclusion was formed at the end.

Keywords: tax, banking, collection, investment, entrepreneurship, regulation.

Кириш.

Тижорат банклари иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида ички инвестицияларни жалб қилиш, молиявий бозорни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда катта роль ўйнайди. Бироқ банк фаолиятини солиқ орқали тартибга солишда самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилиги ва қонунчилик ислохотлари доирасида банклар учун имтиёз ва инқироз ҳолатларида қўллаб-қувватловчи чора-тадбирларни такомиллаштириш керак. Ҳозирги глобаллашув жараёнида молиявий тизимдаги ўзгаришлар ва глобал иқтисодий ҳодисалар Ўзбекистон банк тизимида ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, солиқ сиёсатини тижорат банклари учун янада самарали ва барқарор қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро миқёсдаги ўзгаришларга мос келувчи моделни яратиш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот солиқ сиёсатининг банк фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш, хорижий тажрибани ўрганиш ва маҳаллий шарт-шароитларга мос келувчи таклифларни илгари суришга қаратилган. Бу борадаги тадқиқотлар тижорат банклари фаолиятини янада самарали тартибга солиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортиш орқали тартибга солишни такомиллаштириш бўйича баъзи тадқиқотлар келтирамиз, хусусан, Чаудхрй ва бошқалар (2014) банк солиққа тортишдан фойдаланган ҳолда пруденциал тартибга солишнинг муқобил вариантларини муҳокама қилиб, банк йиғими молиявий барқарорликни яхшилаши мумкин, лекин икки томонлама солиққа тортишга олиб келиши мумкинлигини таклиф қилади.

Конвисарова ва бошқалар (2016) Россиядаги тижорат банкларининг фойда солиғини бошқа мамлакатларга нисбатан таҳлил қилиб, банклар учун солиқ тизимини яхшилаш йўлларини тавсия қилади.

Кейн (2011) таваккалчиликларни юмшатиш учун банкларда тузатувчи солиққа тортишни баҳолайди ва барқарорликни ошириш учун капитал коэффицентлари билан боғланган банк қарзларига солиқни таклиф қилади.

Галлеморе ва Жасоб (2020) корпоратив солиқни қўллаш кичик ва ўрта бизнес кредитларига ижобий таъсир кўрсатади, бу солиқ сиёсатининг банк хатти-ҳаракатларига кенгроқ таъсирини кўрсатади. Луо ва Танна (2014) банк солиққа тортиш бўйича ахлоқий нуқтаи назарни тақдим этади, банкларга давлат суғуртасига самарали ҳисса қўшишга ёрдам берадиган адолатли солиқ тузилмасини таклиф қилади.


Сеч ва Козачук (2022) банк солиққа тортиш бўйича халқаро амалиётни кўриб чиқади, Украинанинг молиявий тизимини мустаҳкамлаш учун фойдали солиқ сиёсатини тавсия қилади.

Собиеч ва бошқалар (2021) ялпи фойда солиқларининг банкларга таъсирини ўрганиб, бундай солиқлар кредит таъминоти ва корпоратив инвестицияларга таъсир қилишини аниқладилар. Боадвай ва бошқалар (2020) банк кредитлаш самарадорлигига нақд пул оқими солиқ таъсирини ўрганиб, бетарафлик ва самарадорлик учун солиқ ислохотларини таклиф қилади.

де Мооиж ва Нисодёме (2015) инқироздан кейинги солиқ ва тартибга солиш соҳасидаги ўзгаришларни кўриб чиқади, молиявий сектор барқарорлигини мустаҳкамлаш учун ислохотларни тавсия қилади. Ушбу тадқиқотлар молиявий тизимларни барқарорлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари солиққа тортишни такомиллаштиришнинг турли ёндашувларини таъкидлайди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Илмий адабиётларда корпоратив фойдани солиққа тортишдаги хусусий капитал ва қарз капитали орқали молиялаштиришдаги солиқ дискриминациясини камайтириш мақсадида, иккита ёндашув бизнеснинг умумий фойдасига солиқ (Comprehensive Business Income Tax – CBIT) ва корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (Allowance for Corporate Equity–ACE) ечим сифатида таклиф этилган (1-расм).



1-расм. Корпоратив солиқ тизимидаги хусусий капитал ва қарз капитали ўртасидаги дискриминацияни камайтириш тартиби

Манба: ўрганишлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Умуман олганда, молиявий ва номолиявий компаниялар фойдасини солиққа тортишда иккита асосий фарқланадиган хусусиятлар мавжуд бўлиб, биринчиси, йўқотишлар бўйича резервларга чегирмалар ва молиявий сектор учун капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидаларнинг (thin capitalisation rules) қўлланилмаслиги билан боғлиқ. Ёмон ва шубҳали кредитларга нисбатан дифференциал режим пул оқими устунлигини (ликвидлиликни) таъминлаши мумкин, солиқ афзаллигини эмас. Солиқ орқали келиб чиқадиган корпоратив қарзга мойиллик, компаниялар учун ҳаддан зиёд қарз маблағлари жалб қилинишига олиб келади ва молиявий стресс вақтида уларнинг барқарорлиги потенциалини пасайтиради. Шунингдек, иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, хусусий капиталга нисбатан қарзга мойиллик иқтисодиётни, айниқса, молиявий секторни беқарорлигига олиб келади (Адмати ва бошқалар, 2013; де Моиж ва бошқалар, 2013).

Албатта, ҳаддан зиёд ортиқча қарзли молиялаштиришни чеклаш ва фоизлар бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида, бир неча мамлакатларда “фоизлар бўйича чегирмаларни чеклаш қоидалари” ёки “капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар” ишлаб чиқилган. Бу қоидалар солиққа тортиш мақсадлари учун корпоратив қарзлар бўйича тўлаган фоизларнинг қанча қисми чегириб ташланишини белгилаб беради. Солиқ қонунчилигид, солиқ солинадиган фойдани аниқлашда, харажатлар таркибига киритилиши лозим бўлган фоиз суммалари бўйича ҳисобланган ставка миқдорини тўғридан-тўғри чеклаш мумкин. Бунда иккита ёндашув мавжуд. Биринчисида, қонун ҳужжатларида мумкин бўлган максимал фоиз ставкаси белгиланиши назарда тутилади. Иккинчисида эса, солиқ

қонунчилигига мувофиқ, ҳар бир операцияга қўлланилган фоиз ставкасини солиштириш мумкин бўлган шартлардан келиб чиқади (Абдуллаев, 2020). Бундан ташқари, қарз капиталининг хусусий капиталга нисбати маълум бир даражадан ошиб кетганда фоизлар бўйича солиқ чегирмаларига чекловлар мавжуд. Масалан, Японияда умумий қоидага кўра, тегишли қарз миқдорининг корпорация хусусий капиталидаги улуши уч барабардан ортиб кетганда, хорижий шўъба корхонасига қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар корпорация фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланмайди (Лангедиже, 2015). Нидерландияда фоизли харажатлар агарда фоизли даромаддан ошиб кетган тақдирда, уларга нисбатан чекловлар назарда тутилган. Мазкур қоида тегишли фоиз харажатларига солиқ чегирмаларининг чеклови орқали қарзли молиялаштиришнинг солиқ афзалликларини камайтиришга қаратилган. Шундай қилиб, капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар қарз капиталининг хусусий капиталга белгиланган нисбатдан ошиб кетганда, солиқ базасидан фоизлар бўйича солиқ чегирмаларини чеклайди. Олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижаларига кўра, бундай қоидалар қарз капиталини қисқартириш, солиқ солишдаги фарқланиш ва ички қарзлар мажбуриятларини назорат қилиш чоралар учун кўпроқ самарали ҳисобланади (Абдуллаев, 2020). Кенг маънода, давлатларнинг капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидаларга ёндашувидан келиб чиқиб, уч тоифага бўлинади: ҳар қандай капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар амал қилмайдиган мамлакатлар, махсус қоидалар қўлланилмайдиган мамлакатлар; ўзига хос капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар мавжуд бўлган мамлакатлар.

Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (Allowance for Corporate Equity–ACE) капитал структурасига таъсир этиб, дефолт рискни камайтириш орқали тизимли рискни пасайтириши мумкин. Шунингдек, АСЕга хос бўлган бир қатор хусусиятларни келтириб ўтиш мумкин: биринчидан, қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасида бетарафликнинг олдини олади ҳамда капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидаларни бекор қилади; иккинчидан, маржинал инвестициялар ечимига нисбатан нейтраллигидир, яъни фоизлар ва капиталга нормал миқдордаги даромадни қайтарилиши бўйича чегирманинг мавжудлиги; учинчидан, иқтисодий амортизация билан солиқ солишдаги амортизация орасидаги фарқлар сабабли, келиб чиқадиган инвестицион номуносивликларни бартараф этади. Жумладан, солиққа тортиш мақсадларида тезлаштирилган амортизация суммасининг оширилиши солиқ ҳисоб-китобларида активларнинг баланс қиймати пасайишига олиб келади ва келгуси йилда капитал учун тўловларни камайтиради (Абдуллаев, 2020).

АСЕ капитал структурасига таъсир этиб, дефолт рискни камайтириш орқали, тизимли рискни пасайтириши мумкин. Шунингдек, АСЕга хос бўлган бир қатор хусусиятларни келтириб ўтиш мумкин: биринчидан, қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасида бетарафликни олади ва шундай қилиб, бу капиталлашувни етишмаслигига қарши қоидаларини бекор қилади; иккинчидан, маржинал инвестициялар ечимига нисбатан нейтраллиқдир, яъни ҳам фоизлар бўйича ва капиталга нормал даражадаги даромадни қайтарилиши бўйича чегирмани мавжудлиги, капиталдан даромадни солиққа тортилмайди. Шундай қилиб, бу иқтисодий рентага солиқни акс эттиради ва капитал қийматига мос келадиган қайтиб келадиган лойиҳалар бўйича солиқ олинмайди. Учунчидан, иқтисодий амортизация билан солиқ солиш мақсадлари учун амортизация орасидаги фарқлар сабабли келиб чиқадиган инвестицион номуносивликларни бартараф этади. Жумладан, солиққа тортиш мақсадлари учун тезлаштирилган амортизацияни кўпайиши, солиқ ҳисоб-китобларида активлар баланс қийматини пасайишига олиб келади, шу билан бирга, келгуси йилда АСЕ ни камайтиради. Хусусан, Австрия, Бельгия, Бразилия, Хорватия, Италия каби бир қатор мамлакатларда АСЕ қоидалари жорий қилинган. Барча мавжуд АСЕ тизимлари ортиб бораётган базага эгадир. Жумладан, Бельгияда 2017 йилгача база сифатида

капиталнинг тўлиқ баланс қиймати кўрсатилган бўлса, 2018 йилдан 5 йил ичида қўшимча ўсган капитал базасининг 1/5 қисми улуши олинган. Барча ставкалар давлат облигациялари даромадлигига боғланган. Шу билан бирга, Австрия, Хорватия, Латвия ва Португалия каби давлатларда ушбу тизим бекор қилинган (Шафик, Клемн, 2018).

Бундан ташқари, Нескемеуер ва де Мооїларнинг таъкидлашича, тижорат банклари ва нобанк ташкилотларида кредит елкаси ва солиқ ставкалари ўртасида ижобий боғлиқлик бўлиб, йирик банкларнинг қарз юки ҳар доим кичик ва ўрта банкларнинг қарз юкидан кўра солиқларга камроқ таъсирчандир (Хекемер ва де Муиж, 2017). Шуниндек, Gu, de Mooij & Poghosyanларнинг (2015) фикрича, қарзлар ва корпоратив фойда солиғи ставкаси ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, солиқ ставкасининг 10 %га кўтарилиши левераж коэффицентини 3 % га ўсишига олиб келиши мумкин. Умуман олганда, фикримизча, тижорат банклари қарз маблағларни жалб қилишда мавжуд қарзлар бўйича фоизларга берилган солиқ чегирмаларидан фойдаланишлари бўйича эмпирик таҳлиллар натижалари асосида илмий далиллар мавжуд. Бироқ, бу таъсирлар тижорат банклар бўйича турлича бўлган. Бир қатор мамлакатларда қарзли молиялаштириш бўйича мавжуд бўлган солиқ афзалликларига нисбатан капитал жозибдорлигини ошириш мақсадида, АСЕ жорий этилган. Хусусан, Schepensнинг таъкидлашича, Бельгияда 2006 йилда амалга оширилган солиқ ислохотларида АСЕнинг жорий қилиниши капитал таркибида хусусий капитални 13 %га ошишига олиб келган (Шепенс, 2016). Муҳим хулоса шуки, капиталнинг кўпайиши тақсимланмаган фойда ҳисобига юзага келади ва кредитлаш фаоллигининг пасайишига эмас. Бундан ташқари, мижозларнинг дефолт ҳолати юзага келиши банклар учун анча қимматга тушаётганини назарда тутган ҳолда илгари капитал коэффицентини паст бўлган банклар ўзларининг активлари таркибидаги рискли активларни камайтирмоқда. Шунингдек, Шепенс (2016) томонидан Италиядаги банкларнинг хусусий капиталга солиқ чегирмалари таъсирини баҳолаш юзасидан олиб борилган таҳлиллар натижасида АСЕнинг (хусусий капиталга солиқ чегирмалари) жорий қилиниши хусусий капитал ўсишига, мазкур қоида бекор қилиниши эса камайишига олиб келганлиги аниқланган.

1-жадвал

**Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (АСЕ) бўйича
эмпирик таҳлиллар натижалари**

Муаллифлар	Аниқланган	
	Қарз	Инвестиция
Klemm (2007)	катта таъсирга эга эмас	кучсиз, ижобий
Panteghini Parisi and Pighetti (2012)	Салбий	
Princen (2012)	Салбий	
Van Campenhout and Van Caneghem (2013)	Таъсири йўқ	
Hebous and Ruf (2017)	Салбий	Фаол инвестициялар учун ноль Пассив инвестициялар учун ижобий
Petutschnig and Rünger (2017)	Салбий	
Branzoli and Caiumi (2018)	Салбий	
Martin-Flores and Moussu (forthcoming)	Салбий	
Schepens (2016)	Салбий	
Célérier, Kick, and Ongena (2017)	Салбий	Кредит таклифига ижобий таъсир
De Mooij, Hebous, and Hrdinkova (2018)	Салбий	

Манба: ўрганишлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлилда АСЕнинг банк активларига сезиларли таъсири аниқланмаган бўлиб, банкларнинг кредитлаш ҳажмига таъсир этмаслиги кўрсатилмаган ва капитал таркибининг ўзгариши тақсимланмаган фойдани ўзгариши билан боғлиқ бўлиши

мумкин. АСЕ бекор қилингандан кейин қарзларнинг ўсиши активлар улуши ошишига, бу, ўз навбатида, капитал коэффиценти пасайишига олиб келган.

АСЕ бўйича олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижаларига асосан мазкур қоидаларнинг қўлланилиши қарз қапители улушини камайтиришга олиб келиши ва инвестицияларни ривожлантиришга ижобий таъсир этиши аниқланган (1-жадвал).

Бироқ, ҳозирда Бельгия, Кипр ва Италия каби бир неча мамлакатларда келиб чиқишига асосланган АСЕ тизими амалга оширилмоқда. Барча мавжуд АСЕ тизимлари ортиб бораётган базага эгадир. Жумладан, Бельгияда 2017 йилгача база сифатида капиталнинг тўлиқ баланс қиймати кўрсатилган бўлса, 2018 йилдан 5 йил ичида қўшимча ўсган капитал базасининг 1/5 қисми улуши олинган. Барча ставкалар давлат облигациялари даромадлигига боғланган. Шу билан бирга, Австрия, Хорватия, Латвия ва Португалия каби давлатларда ушбу тизим бекор қилинган (Шафик, Клемн, 2018). Умуман олганда, тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга олиш юзасидан бўлган баҳс-мунозараларда учта асосий сиёсий мақсадларни ажратиб кўрсатиш мумкин (ЕС, 2010):

1. Солиқлар молиявий бозорлар самарадорлиги ва барқарорлигини ошириши ва улар ўзгарувчанлигини ва ортиқча рисклар туфайли иқтисодиёт бошқа соҳалари учун юзага келадиган салбий таъсирини камайтириши мумкин. Хусусан, молиявий секторнинг кўлами жуда катта бўлиши ва давлат томонидан ҳақиқатдаги ёки кутилаётган қўллаб-қувватланишлар макроиқтисодий ўзгаришлар билан биргаликда сўнгги молиявий инқирознинг юзага келишига ҳисса қўшган рағбатлантириш структураси ва ахборотлар асимметрияси туфайли (маънавий рискка олиб келувчи) юзага келадиган юқори рискларни ўзига олиши мумкинлиги тахмин қилинган.

2. Молиявий секторда, айниқса, охирги йигирма йил давомида юқори даромадлилик даражасига эришган бўлиб, молиявий секторнинг давлат бюджети даромадлари тушумига катта ҳисса қўшиши мумкинлиги.

3. Молия сектори глобал молиявий инқирознинг юзага келиши ва масштаблари учун биринчи навбатда жавобгар ҳисобланади. Шундай қилиб, молия сектори учун инқироздан кейин фискал солиқларни ошириш ёки янги солиқларни жорий этиш орқали консолидациялашган бюджетга ҳисса қўшиши мумкинлиги назарда тутилган.

Солиққа тортиш тизимига нафақат “фискал” бюджет даромадларини ошириш, шу билан бирга, банклар барқарорлигини ошириш ва уларнинг юқори даражадаги рисклар боғлиқ фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида қараш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк тизимини барқарор фаолияти бутун иқтисодиёт учун принципаал аҳамиятга эга. Бу эса солиққа тортишда банклар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўйилган талабларни бажаришга йўналтирилиши лозимлигини англатади. Жумладан, Базель-III талабларига асосан банкларда капиталнинг ҳимоявий «консервация «буфери» жорий этилган. Капиталнинг ҳимоявий консервация «буфери» рискка тортилган активларга нисбатан 2,5 фоизни ташкил этадиган қўшимча захирадан иборат. Контрциклик буфер тижорат банкларини цикли инқирозларга қарши захира сифатида шакллантириш белгиланган ҳамда банк левераж коэффиценти ва ликвидликни қоплаш коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio) бўйича янги норматив талаблар киритилган.

Молиявий инқироз даврида йирик банклар активларини йўқотишлари ва муваффақиятсизликка учраши молиявий секторга зарба бўлган ва бу ўз навбатида, реал иқтисодиёт секторига молиявий зарар келтирган. Натижада, тизимли муҳим молия институтларини молиявий барқарорлигини тиклаш учун давлат секторининг аралашуви катта ҳажмда амалга оширилган. Ушбу тадбирларнинг иқтисодий ва молиявий харажатларни ва бу билан боғлиқ бўлган маънавий рискни ортиши, йирик молиявий институтларни муваффақиятсизлигидан юзага келиши кутилаётган муаммоларни камайтириш ва баратараф этиш бўйича қўшимча чоралар кўриш

зарурлигини билдиради. Шунга қарамасдан, йирик банклар билвосита солиқ тўловчилар суғурталаниши (давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши), ўз навбатида, стратегик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган кичик тижорат банкларига нисбатан арзон маблағлар жалб қилиниши, жуда катта ва мураккаб бўлмаган инқирозли ҳолатлар бўлиши мумкин. Бироқ бу уларга рақобатдаги устунликни беришига ва уларнинг ҳукмдорлигини янада кучайтиришга олиб келади.

Инқирозга жавобан банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан банклар ва банк тизими барқарорлигини оширишга қаратилган ислоҳатларни амалга оширилган. Бунда тизим учун муҳим бўлган банклар учун (G-SIBs) алоҳида капитал талаблари ўрнатилди. Тавсия қилинган қўшимча капитал миқдорини сақлаб туриши ва ҳозирда асосий эътибор банклар ва банк тизимининг умумий йўқотишни ютиш қобилияти (GLAC)га қаратилган. Аксарият иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, бугунги кунда тижорат банклари молиявий барқарорлигини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларда белгиланган структуравий ва норматив чоралар (фискал) солиқ солиш билан тўлдирилиши, шунингдек, тартибга солиш ва солиққа тортиш ўртасидаги мутаносиблигини таъминлашга йўналтирилиши лозим. Бу ўринда кенг эътироф этилган А. Smith томонидан ишлаб чиқилган яхши солиқ тизимини барқарор принципларидан бўлган солиқ солишнинг тенглиги ёки адолатлилиги, қулайлиги, аниқлиги ва самарадорлиги принципларидан тижорат банклари ҳамда бошқа молия муассасаларини тартибга солиш ва солиққа тортишни мутаносиблигини таъминлаш учун қўлланиши тавсия этилиб, бунда тартибга солиш ва солиқлар бир-бирининг ўрнини босувчи бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Тижорат банкларни солиққа тортишга макропруденциал тартибга солиш сифатида қараб, хусусий капитал ва қарз капитали ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтиришга қаратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги солиқ тизимида қарзлар бўйича фоизларга солиқ чегирмаларини қўлланилишини бекор қилиниши, чунки бизнесни солиққа тортишнинг амалдаги бу қоидалар қарз мажбуриятларини ортиқча берилишини ва қарзни ўз капиталидан устун қўйилишини рағбатлантиради, бу банкларни янада хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча капитални ошириш бўйича тартибга солиш талабларига зид келади. Шунингдек, тижорат банклари фаолиятига солиқ солишда Базель-III тавсия этган ликвидликни қоплаш коэффицентини ҳисобга олиш билан бир қаторда, икки маротаба солиққа тортиш рискни юзага келиши ва иқтисодий самарасиз бўлиши, бозор таклифи ва ликвидлигини пасайишига ҳамда истеъмолчилар учун капитал қийматини ошишига ва ўзгарувчанлиги олиб келишини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишда Базель-III талаб қилган ликвидликни қоплаш коэффицентини (LCR) ва соф барқарор молиялаш коэффицентини (NSFR) ҳамда бюджетга даромадни ошириш мақсадлари назарда тутилиши лозим.

Банк тизимини барқарорлигини таъминлаш ва ривожланиши давлат бошқарувидаги шакл ва усуллар умумий таъсири остида амалга оширилиб, бунда солиқ воситаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ривожланган мамлакатлар амалиётида банкларни солиққа тортиш қуйидаги тартибга солиш усуллари билан характерланади:

- ❖ корпоратив солиқ тизимида хусусий ва қарз капитали ўртасидаги солиқ дискриминация камайтириш учун хусусий капитални рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзларини кенг қўлланиши;

- ❖ корпоратив солиқ солишда солиқ базасини аниқлашда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шаклланттирилган резервларга чегирмалар бўйича чекловларни белгиланиши;

- ❖ молиявий продукциялар ва хизматлар ҚҚСдан озод қилиниши оқибатида юзага келадиган номутаносибликларни камайтириш;

❖ кичик капиталга эга бўлган тижорат банкларининг фойдасини қисман ёки тўлиқ фойда солиғидан озод қилиниши.

Молиявий инқирозни келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатларини бартараф этишда молиявий секторни солиқлар воситасида тартибга солишдаги мавжуд бўлган муаммоларни кўрсатиб берган. Кейнес таъкидлашича, солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш заруриятидан келиб чиқади. Молиявий инқироз даврида, ҳақиқатдан тизимли рискка нисбатан тартибга солиш ва назорат қилишдаги мавжуд камчиликлар ва натижада давлат молиясига кучли таъсири, молиявий секторни солиқлар воситасида тартибга солишга бўлган катта қизиқишга сабаб бўлди. Ривожланган мамлакатларда инқироз билан боғлиқ молиявий сектордаги йўқотишларни компенсация қилиш учун қуйидаги асосий иккита чораларни қўлланилган: молиявий муассасаларни муайян турдаги мажбуриятларидан келиб чиқиб ундириладиган йиғимларни жорий қилиниши (хусусан, АҚШ, Швеция ва Германия); молиявий секторда тўланадиган бонусларга қўшимча солиқ солиш (хусусан, Буюкбритания, Италия, Франция).

Хулоса ва таклифлар.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва солиққа тортишни мувофиқлаштириш мақсадида, қарз фоизлар бўйича белгиланган солиқ чегирмалари бекор қилиниши ёки фоиз бўйича имтиёзларни чеклаш, капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар ёки АСЕ тизимини жорий этиш тавсия этилган. Чунки бизнесни солиққа тортишнинг амалдаги тартиби капиталга нисбатан қарз жалб қилиш афзал кўрилиши ва ортиқча қарз берилишини рағбатлантиради. Бу эса тижорат банклари учун қўшимча капитални жалб қилиш қоидаларига тўғридан-тўғри зид келади. Тижорат банклари кредитлар берувчи асосий молиявий институт бўлганлиги сабабли, солиқ чегирмаларини фақат банкларга нисбатан бекор қилиниши керакми, деган савол туғилади. Бироқ, асосий капиталга кўп эътибор қаратилиши кичик капиталга эга бўлган тижорат банкларининг қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин, чунки улар осонлик билан акциялар чиқариш орқали хусусий капитални ошириш учун кенг молиявий имкониятларига эга эмас.

Адабиётлар/ Литература/ Reference.

Admati, A., P. DeMarzo, M. Hellwig and P. Pfleiderer (2013). *Fallacies, Irrelevant Facts, and Myths in the Discussion of Capital Regulation: Why Bank Equity is Not Socially Expensive*. Working paper, Stanford University.;

Boadway, R., Sato, M., & Tremblay, J. (2020). *Efficiency and the taxation of bank profits*. *International Tax and Public Finance*, 28, 191-211. <https://doi.org/10.1007/s10797-020-09616-3>.

Chaudhry, S., Mullineux, A., & Agarwal, N. (2014). *Balancing the Regulation and Taxation of Banking*. *Monetary Economics eJournal*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.1141090>.

de Mooij, R., M. Keen and M. Orihara (2013). *Taxation, Bank Leverage, and Financial Crises*. Working paper, International Monetary Fund.

EC (2010). *Financial sector taxation*. *Taxation Papers*, 25, Brussels: Directorate General Taxation and Customs Union, European Commission.

Gallemore, J., & Jacob, M. (2020). *Corporate Tax Enforcement Externalities and the Banking Sector*. *Banking & Insurance eJournal*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.3274786>.

Gu Grace & Mooij Ruud & Poghosyan Tigran (2015). "Taxation and leverage in international banking," *International Tax and Public Finance*, Springer; International Institute of Public Finance, vol. 22(2), pages 177-200.

- Heckemeyer J. H. & de Mooij R. A. (2017). *Taxation and corporate debt: Are banks any different?* *National Tax Journal*, 70(1), 53-76.
- Keen, M. (2011). *The Taxation and Regulation of Banks*. International Monetary Fund (IMF) Research Paper Series. <https://doi.org/10.5089/9781463902179.001.A001>.
- Konvisarova, E., Stihljas, I., Koren, A., Kuzmicheva, I., & Danilovskih, T. (2016). *Principles of Profit Taxation of Commercial Banks in Russia and Abroad*. *International Journal of Economics and Financial Issues*, 6, 189-192.
- Langedijk Sven & Nicodème Gaëtan & Pagano Andrea & Rossi Alessandro (2015). "Debt Bias in Corporate Income Taxation and the Costs of Banking Crises," *CEPR Discussion Papers 10616*, C.E.P.R. Discussion Papers.
- Luo, Y., & Tanna, S. (2014). *Taxation and bank risk-taking*, 31-53. <https://doi.org/10.4337/9781783476480.00007>.
- Martin-Flores Jose-Maria and Moussu Christophe (2019). *Is Bank Capital Sensitive to a Tax Allowance on Marginal Equity?* *European Financial Management*. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3345999>.
- Mooij, R., & Nicodème, G. (2015). *Taxation and regulation of the financial sector*. . <https://doi.org/10.7551/MITPRESS/9780262027977.001.0001>.
- Schepens G. (2016). *Taxes and bank capital structure*. *Journal of Financial Economics*, 120(3), 585-600.
- Shafik Hebous & Alexander Klemm, 2018. *A Destination-Based Allowance for Corporate Equity*, *CESifo Working Paper Series 7363*, CESifo.
- Sobiech, A., Chronopoulos, D., & Wilson, J. (2021). *The real effects of bank taxation: Evidence for corporate financing and investment*. *Journal of Corporate Finance*, 101989. <https://doi.org/10.1016/J.JCORPFIN.2021.101989>.
- Sych, O., & Kozachuk, O. (2022). *INTERNATIONAL EXPERIENCE OF BANK TAXATION*. *Intellect XXI*. <https://doi.org/10.32782/2415-8801/2022-3.3>.
- Абдуллаев З.А. Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш //Монография. – Т.: «Молия», 2020. 26-28 бет.